



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 1 сентябрь, № 180-181 (7138-7139)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Авалло, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни энг буюк, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий муборақбод этишга ижозат бергайсиз.

Биз учун янги давр, эркин ва озод ҳаётни бошлаб берган шу қутлуғ санада халқимиз қандай машаққатли ва айнаи вақтда ша- рафли йўлни босиб ўтганини яна бир бор чуқур ҳис этамиз.

Мана шундай улуг айёмда бу- тун ҳаётини озодлик учун курашга бағишлаган, бу йўлда жон фидо қилган ота-боболаримиз, мард ва жасур юртдошларимиз хотираси- га ҳурмат бажо келтирамиз.

Ўзбекистон Республикаси дав- лат мустақиллигининг асосчиси, Биринчи Президентимиз мухтарам Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг барҳаёт номларини ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга оламиз.

Азиз дўстлар!

Мустақиллик туфайли биз дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, ёруғ келажагимиз- ни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқ- дамиз.

Истиқлол йилларида эришган ютуқларимизга таяниб, **миллий тикланишдан — миллий юкса- лиш сари** дадил қадам қўймоқ- дамиз.

Мамлакатимиз тараққиётини янада юксак босқичга кўтариш мақсадида Ҳаракатлар страте- гиясини қабул қилдик. Бу ноёб ҳужжатда белгиланган улугвор вази- фаларни рўёбга чиқаришга қатъий қиришганимиз биз учун янги уфқ ва имкониятлар очиб бермоқда.

Дунё миқёсида рақобат кес- кинлашиб бораётган ҳозирги му- раққаб даврда мамлакатимизни илм-фан ютуқлари, юқори техно- логиялар асосида модернизация қилиш ва янгилаш энг муҳим ва- зифамизга айланмоқда. Ана шун- дай ўткир талабни чуқур англа- ган ҳолда, биз 2018 йилни юр- тимизда **“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва техно- логияларни қўллаб-қувватлаш йили”**, деб эълон қилдик.

Бу борада қабул қилинган Давлат дастурида 11 триллион 200 миллиард сўм ва 1 миллиард 300 миллион АҚШ доллари ҳаж- мидаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Дастур ижросини таъминлаш учун кенг қўламдаги улкан ишлар олиб боришмоқда.

Юртимизда **фаол инвестиция сиёсати** юритилмоқда, замонавий корхоналар барпо этилмоқда, солиқ тизими тубдан ислох қили- ниб, тадбиркорлик ва хусусий мулк- ни ривожлантириш, барча соҳа ва тармоқларда инновация, илм- фан ютуқлари, янги ва ижодий ёндашувларни жорий этишга ало-

ҳида эътибор берилмоқда. Кишлоқ хўжалигида замонавий, истиқбол- ли тармоқларга асос солиш, клас- тер тизимини йўлга қўйиш, фер- мер хўжалиқларининг натижадор- лигини кучайтириш бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда.

Ана шундай улкан сай-ҳаракат- ларимиз натижасида юртимизда **макроиктисодий баркарорлик таъминланмоқда**.

Биз учун энг устувор вазифа бўлган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш бўйича катта ҳажмидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, **“Обод кишлоқ”** ва **“Обод маҳалла” дастурлари** мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларига ҳам янгилашни нафа- сини, бунёдкорлик руҳини олиб кирмоқда. Одамларнинг фикри, дунёқараш ўзгармоқда, кишлоқ- да турмуш маданияти ошиб бормоқда.

Бутун мамлакатимизни қамраб олган мазкур дастурлар доираси- да 416 та кишлоқ ва 105 та ма- ҳаллада қурилиш ва ободонлаш- тириш ишлари жадал давом этмоқда. Буларнинг барчаси жо- нажон Ўзбекистонимизнинг янги, обод қиёфасини яратиш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Аҳолиимизнинг **замонавий ўй- жойга** бўлган талаб ва эҳтиёжла- рини таъминлаш мақсадида жо- рий йилда 13 минг 900 дан зиёд

1991 йил, 31 август. Бу мамлакатимиз ҳаётидаги унутилмас тарихий санадир.

Айнан ўша дамда мустақил давлат сифатида катта мақсад ва режалар билан буюк келажак сари қадам қўйган эдик.

Бугун эзгу ният ҳамда улугвор орзуларимиз, ота-боболаримизнинг асрий истаклари рўёбга чиққанига 27 йил тўлди.

Истиқлол туфайли аза- лий урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиз тикланди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, Наврўз каби байрамларимизни эмин-эркин, кўтаринки руҳда, ҳамжиҳатликда ўтказа бошладик. Шунинг учун ҳам Мустақиллигининг ҳар бир кунини кўзлари- мизга тўтиёлар қилсак, арзийди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан шу йил 28 июнда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик бай- рамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғриси-

да”ги қарори ҳар бир юрт- дошимизга чексиз ғурур ҳамда ифтихор бахш этди. Мазкур ҳужжатга биноан, мамлакатимизнинг барча ҳудудида энг улуг, энг азиз айёмни муносиб ку- тиб олиш ҳамда тантана- ли равишда нишонлашга қизгин ҳозирлик кўрилди. Хусусан, қутлуғ санага ба- ғишлаб ўтказилаётган тад- бирлар ва тарғибот-таш- виқот ишлари “Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбе- кистоним!” деган бош ғояни ўзида мужассам қилгани шу табарруқ заминимизнинг ҳар бир фуқаросини эзгулик сари руҳлантирди.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Мирмонович!
Туркманистон халқи ва ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номидан Сизга ва Сиз орқали қардош ўзбек халқига Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрик ва энг эзгу тилақларимни билдираман. Яқинда Оролни қўтқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари саммити доирасида бўлиб ўтган учрашувимизни катта мамнуният билан эслайман. Ушанда очкилик ва ишонч муҳитида ўтган музокараларда Туркманистон — Ўзбекистон дўстлиги ва ҳамкорлигини янада ривожлантиришга бирдек интилишимиз яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Биргаликдаги сай-ҳаракатларимиз билан мамлакатларимиз ўртасидаги қардошлик муносабатлари халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боришига қатъий ишонаман. Ушбу қулай фурсатдан фойдаланиб, Сизга, мухтарам Шавкат Мирмонович, мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилаб қоламан.

Чуқур ҳурмат билан,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Мирмонович!
Қозоғистон халқи номидан ва шахсан ўз номидан Сизни ва Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни билан самимий табриклайман. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон давлатчилиқни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш ва мамлакатнинг халқро майдондаги нуфузини юксалтириш йўлида юксак натижаларга эришди. Шу муносабат билан Сизнинг оқилона ва самарали раҳнамолигингизда мамлакат изчил тараққиётни янада давом эттириши ва кўзлаган эзгу мақсадларига эришишини тилайман.

Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги маънавий қадриятлар муштараклиги, қўн асрлик дўстлик ва мустаҳкам ҳамкорликка асосланган муносабатлар халқларимиз фаровонлиги йўлида йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Ишончим комил, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга алоҳида суръат бағишлаётган биргаликдаги фаолиятимиз давлатларимиз равиқнинг қафолати бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, мухтарам Шавкат Мирмонович, мустаҳкам соғлиқ ва туганмас ғайрат-шижоат, масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

Нурсултон НАЗАРБОЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Мирмонович!
Мамлакатингизнинг асосий байрами — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни муносабати билан энг самимий тилақларимни қабул қилгайсиз.

Ўзбекистон ҳақли равишда муваффақиятли ривожланаётган кўп миллатли демократик ҳуқуқий давлат ҳисобланади, халқаро майдонда катта обрў-эътиборга эга. Минтақавий ва халқаро миқёсдаги долзарб масалаларни ҳал этишга муҳим ҳисса қўшмоқда.

Қардош мамлакатларимиз 2017 йилда эришган сиёсий ҳамкорлик даражаси барча соҳалардаги ўзаро алоқаларни фаол ривожлантиришга хизмат қилиб, дўстлик ва яхши қўнчилиқнинг юксак намунаси бўлди.

Савдо-иқтисодий шериклик икки томонлама ҳамкорлиқнинг алоҳида эътибор талаб қиладиган муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатларимиз чегараолди ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани ҳамда фуқароларимиз давлатларимиз ҳамхўрлигининг амалий натижаларини ўз ҳаётида сезаётгани қувонарийдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, мухтарам Шавкат Мирмонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Сооронбай ЖЭЭНБЕКОВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚИРҒИЗИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай ЖЭЭНБЕКОВнинг тақлифига биноан 2018 йил 3 сентябрь куни Қирғизистонга ташриф буюриб, Туркийзабон давлатлар ҳамкорлиги кенгашининг Чўпонота шаҳрида бўлиб ўтадиган саммитида иштирок этади.

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ ЯШАЙДИ

Эл-юртимиз озодлиги йўлида, халқимизнинг қадр- қиммати, ор-номуси, миллий қадриятларимизни ҳимоя қилишда, мустамлакачиликка қарши машаққатли курашларда қурбон бўлган юртдошларимиз хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади.

Мустабид тузум даврида мил- лион-миллион бегуноҳ инсонлар умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, кўплаб гўдаклар етим қолганини тарих, бу- гунги ва келажақ авлод ҳеч қачон унутмайди.

Халқимизнинг ана шундай фидойи ва матонатли ўғил-қизларининг хо- тирасини эслаш, ҳақиқат ва адолат-

(Давоми 2-бетда).



ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги байрами арафасидаги фармонларига мувофиқ, мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасидаги улкан хизматлари учун бир қатор чет эл фуқаролари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

31 август куни мамлакатимиз та- рихида биринчи марта чет эллик- ларга Ўзбекистон Республикаси- нинг давлат мукофотларини топи- ришга бағишланган тантанали ма- росим бўлиб ўтди.

Унда Президент Шавкат

Мирзиёев бугун кўп миллатли халқи- миз Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигини кенг нишонлаётгани- ни, ушбу тарихий санани биз билан биргаликда давлатимизнинг кўп сон- ли дўстлари ва шериклари — дип- ломатик корпус ва халқаро ташқи-

лотлар, йирик хорижий компаниялар ва молия институтлари вакиллари байрам қилаётгани ҳаммамизни қувонтиришини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон фаол ташқи сиёсат юритмоқда. Россия, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Япония, Марказий Осиё давлатла- ри ва бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар жадал ривожланмоқда. Дунёнинг етакчи компаниялари, халқаро ташкилот- лар мамлакатимиз билан самара- ли ҳамкорлик қилаётди.

(Давоми 2-бетда).



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!
Беларусь халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни Мустақиллик куни билан муборакбод этаман.
Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг юксак натижалари, мамлакатингизнинг Марказий Осиё ва жаҳон майдонида нуфузи ортиб бораётгани Беларусда катта қизиқиш уйғотмоқда.
Давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч руҳидаги конструктив муносабатларни мустаҳкамлашга муштарак интилиш икки томонлама мулоқотимизни самарали ва манфаатли ҳамкорликнинг янги ютуқлари билан бойитишга хизмат қилишга ишончим комил.
Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, туганмас ғайрат-шижоат, ўйлаган барча орзуларингиз ва ниятларингиз рўёбини, дўст Ўзбекистон халқига эса, тинчлик ва фаровонлик тилайман.
Хурмат билан,

Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Президент жаноблари!
Ўз номимдан ва юртдошларим номидан Сизга ва халқингизга Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни билан самимий табрикларимни йўллашга ижозат бергайсиз.
Ўтган икки йилда Ўзбекистон катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ишонтириб айтаманки, Германия Сизнинг раҳбарлигингизда бошланган ислохотлар ва модернизация жараёнини, жумладан, Сиз амалга ошираётган қўшни мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.
Яқин ойларга режалаштирилган олий даражадаги таширфлар турли соҳаларни қамраб олган икки томонлама муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш учун яхши имконият бўлади.
Сизга бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса хуррият, ҳафсизлик ва фаровонлик билан йўғрилган порлоқ келажақ тилайман.

Франк-Вальтер ШТАЙНМАЙЕР,
**Германия Федератив Республикаси
Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Ҳиндистон ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сизни, Жаноби Олийлари, Ўзбекистон ҳукумати ва халқини Мустақиллик куни билан муборакбод этаман ва энг эзгу тилакларимни йўллайман.
Мамлакатларимиз ўртасидаги тарихий, маданий ва маърифий алоқалар савдо ва инвестициялар, фан ва технологиялар, туризм ва маданият каби соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорлигимизда ўз аксини топмоқда. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз халқларимиз фаровонлиги йўлида ушбу ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган.
Жаноби Олийлари, Сизнинг жорий йилда Ҳиндистонга таширфингизга катта умид боғлаганмиз. Ушбу таширф мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга ишонамиз.
Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига эса муттасил тараққиёт ва равнақ тилайман.
Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Рам Натҳ КОВИНД,
Ҳиндистон Республикаси Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Озарбайжон Республикаси Президенти
Илҳом Алиев

Эрон Ислом Республикаси Президенти
Ҳасан Рухоний

Жанубий Африка Республикаси Президенти
Матамела Сирил Рамафоса

Австрия Республикаси Президенти
Александр Ван дер Беллен

Бельгияликлар Қироли **Филипп**

Исроил Давлати Президенти
Реувен Ривлин

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи
Абдулла Иккинчи

Ўмон Султони **Қобус бин Саид**

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти
Чан Дай Куанг

Мьянма Иттифоқи Республикаси Президенти
Вин Мьян

Таиланд Қироли **Маха Вачиралонгкорн**

Арманистон Республикаси Бош вазири
Никол Пашинян

МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби
Сергей Лебедев

Москва ва Бутун Русь Патриархи **Кирилл**

Рим-католик черкови раҳбари
Папа Франциск

АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугун юртимизда байрам шу-куҳи ҳукмрон. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар-ру туманлар, маҳаллалар, қишлоқ ҳамда овуллар марказларида шодиёнага йиғилган каттаю кичик бир-бирини айём билан қутламоқда. Дилларда сурур, шукрона.
2018 йил, 31 август. Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишланган асосий тантаналар пойтахтимизнинг муҳташам “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтди. Ушбу тантана Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси орқали тўғридан тўғри

Мажлисга Мурожаатнома тақдим этилди. Ушбу Мурожаатнома халқимиз томонидан жуда катта қизиқиш билан қабул олинди. Чунки унда тараққиётга тўсиқ бўлаётган муаммолар очик-ойдин тилга олинди.
Юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 2000 га яқин шахсларга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Бу инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлашга қаратилган ишларнинг яна бир тасдиғидир.
Иқтисодидеятимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва дивер-

195 та боғча капитал таъмирланди. Фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўгин ҳисобланган мактаб-гача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Кўплаб ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан билдирилган тақлифлар асосида юртимизда 11 йиллик таълим қайта тикланди.
Жойлардаги ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун Тошкент вилоятида Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этилди. Бундан ташқари, 15 та олий таълим муассасасида ташкил этилган маҳ-

Президенти Эмомали Раҳмоннинг ташаббуси билан ўзбекистонлик ва тожикистонлик давлат ҳамда жамоат арбоби, маданият ва санъат вакилларининг юксак муқофотлар билан тақдирланиши бу икки қондош мамлакатлар ҳаётидаги унутилмас воқеалардан бўлиб қолиши мумкин.
Қирғизистон билан давлат chegarалари тўғрисидаги битимнинг имзоланиши Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган катта қадам бўлди. Қўшни Афғонистон Ислом Республикаси билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида муҳим келишувларга эришилди, янги иқтисодий лойиҳалар бўйича амалий ишлар бошланди. Шунингдек, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, АҚШ ҳамда Европа иттифоқи давлатлари, мусулмон мамлакатлари билан ҳам самарали битим ва келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан алоқаларни янги босқичда давом эттирмоқда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигимиз тикланди, Европа инвестиция банки билан шериклик алоқалари ўрнатилди. Жаҳон банки, Халқаро валютда жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки билан ўзаро ҳамкорлик самарали тус олмоқда.

Мамлакатимиздаги ижобий ўзгаришлар дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонга бўлган қизиқишни ошириб, унинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Кадр топган кадриятлар

Мустақиллик бизга эл-юрт учун хизмат қилмоқликни, фидойиликни, ташаббускорликни ўргатди. Истиқлол имкониятларидан баҳра олиб, юксак марраларга эришаётганлар сафиди ортиб бораётгани эса қувонарлиқдир.
— Инсоннинг тўрт мучаси соғ бўлса-ю, қалбида ҳаловат бўлмаса, ҳеч нарса татимайди. Шу маънода, биз бугун ҳар қанча фахру ғурур оғушида, шукрона айтиб яшашга ҳақлимиз, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби, шайх Абдулазиз Мансур. — Зеро, Ватанимиз тинч, халқимиз оқибатли, еримиз унум-



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

дор, сувимиз зилол. Президентимизнинг “Ўзбекистон Президентлиги” давлат мустақиллигининг йигирми етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарориди қайд этилганидек, буюк ҳамда бебаҳо нэмат — мустақилликнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдирини, келажагини бекхёс аҳамияти йиллар ўтиши учун тобора ортиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз фаолиятини бошлаган илк кунлариданоқ мамлакатимиз ҳаёти ҳамда истиқболини учун ўта муҳим бўлган кўплаб ҳужжатларга имзо қекди. Улар орасида яна бир муҳим ҳужжат борки, у чуқур рамзий маънога эга. Яъни давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 апрелда имзоланган “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини олимларимиз, зиёлилар, кенг жамоатчилик катта хурсандчилик билан қарши олди. Унда халқимизнинг яратувчанлик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросни илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ҳамда илмий-иқтисодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, улар билан аҳолимиз ва жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш, халқаро микёсда динлараро ҳамда цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, инсон қалби ва онини эгаллаш учун турли хавфхатарлар қучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, ҳаёлатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманизм қиоялар, миллий гуруҳ ҳамда ифтихор руҳида тарбиялаш мақсадида қатор вазифалар белгиланди.

...Ватанимиз ҳимоятчилари, ҳарбийларнинг саҳнадаги хатти-ҳаракатлари, уларнинг мардликка ундовчи қўшиқлари гулдурос олқишларга сабаб бўлди.
— Президентимизнинг таъбири билан айтганда, халқимиз эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истайди. Бизнинг меҳнаткаш, оққўнгил, бағрикенг халқимиз бунга тўла ҳақлидир.
Янги таълим муассасаларини қуриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. 12 та умумтаълим мактаби янгитдан барпо этилди, 320 таси реконструкция қилинди, 152 та мактаб капитал таъмирланди. Шунингдек, 107 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинди ва қурилди,



намойиш этилди. Дилларга сурур ва завқ улашган айёмни бутун вужудимиз билан берилиб томоша қилдик. Юксак шукўх ила нишонланган байрамдан илҳомланиб мазкур репортажимизни тайёрладик.
Бу ерга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, фан, маданият ва санъат номояндалари, ишлаб чиқариш илгорлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, нуруний отахону онахонлар, ёшлар таширф буюрган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таширф буюради. Меҳмонлар давлатимиз раҳбарини гулдурос қарсақлар билан қутиб олади.
Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилади.

Юртбошимиз мустақиллигимизнинг йилгирима етти йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

30 август куни яна бир тарихий аҳамиятга эга ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Озодликдан маҳрум этиш ҳазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонини имзолади.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йилгирима етти йиллиги байрами арафасида халқимизга хос меҳр-шафқат, инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олиханоблик каби эзгу фаилатларни янада юксак намоён этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ, Фармон билан қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган озодликдан маҳрум этиш ҳазосини ўтаётган 261 нафар фуқаро афв этилди. Давлатимиз раҳбари ўз табригида бу ҳақда гапирар экан, ушбу юртдошларимизнинг қалби қанчалар қувончга тўлиб, байрамни оиласи бағрида қутиб олаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.
Чорлов мусикаси таралади. Тантаналар бошланади.

Ўзбекистон тафаккур

Бугун икки киши ўзаро сўхбатлашиб қолса, гап, аввало, янгиланишлардан бошланади. Қишлоқларга бориб қолсангиз, у ерда яшовчилар газ ва электр энергиясида узлишлар бўлмаётганини, ҳаммамнинг эсидан чиққан кўчаларга асфальт ётқизи-лаётганини айтиб, мана, бўлар экан-ку, дея қувончини ихзор этади. Шаҳар ва қишлоқларимизда тадбиркорлар сафиди кенгайиб, ўз оиласи ва маҳалласига нафи тағайитганлар кўпаймоқда. Буларнинг барчаси “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган улугвор гоанинг амалдаги ифодасидир.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичини бошлаб берди.
Ўтган йилнинг 22 декабрь куни Ватанимизнинг сиёсий ҳаётида муҳим воқеа содир бўлди.
Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти — Олий

Ёшлар — келажақ бунёдкорлари

Ватан ободлиги, эл фаровонлиги йўлида ташаббус кўрсатаётган, юрт шаъну шавкатини улуғлашга ўз хиссасини қўшишга интилаётганларни бугун ҳар қадамда учрата-сиз. Жумладан, ўзбекистонлик спортчилар бокс, дзюдо, таэквондо, оғир атлетика, эркин кураш, самбо бўйича ўтказилган турли халқаро мусобақаларда салмоқли ютуқларга эришдилар. Шу кунларда эса Индонезияда бўлиб ўтаётган XVIII Осиё ўйинларида қўша-миз спортчилари ўзбек миллий кураши бўйича ҳам ўзаро беллашмоқдалар. Жаҳон спорт майдонларида “ҳалол”, “ғирром”, “чала”, “ёнбош” деган сўзлар жаранглаб, ўзбек номини, Ўзбекистон номини дунёга тараннум этди.

— Ўзбекистон фарзанди эканлигимиздан ҳар доим фахрланамиз, — дейди Осиё ўйинлари голиби, оғир атлетика бўйича жаҳон рекордчиси Руслан Нурудинов. — Чунки биз иқтидоримиз қўллаб-қувватланаётган, қизиқишу интилишларимиз юксак даражада рағбатлантирилаётган юрда яшаймиз. Президентимизнинг алоҳида меҳри ва эътибори биз, спортчиларга, айниқса, куч-ғайрат ҳамда шижоат беради. Негаки, илгари чет элда ўқиб келган ёки хорижлик тенгдошларимизга ҳавас билан қараган бўлсак, истиқлол ўзбек ёшларининг ҳам ҳеч қимдан кам эмаслигини исботлади. Шу ўринда нокаутарлик бўлса-да, бир мисолни айтсан. Индонезияда давом этаётган тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида вакилларимиз бир нечта спорт тури бўйича голибликни қўлга киритишган, “Ўзбекистон!”, “Ўзбек” деган сўзлар ҳар қадамда айтила бошланди. Бошқа юртдан келган спортчилар биз билан келиб сўхбатлашиб, суратларга тушиб, ўз табрикларини билдиришди. Буларнинг барчаси мустақил юртимизда яратилаётган шарт-шароитлар тўғрисида.

Ёшлар иттифоқи ташкил топган кун — 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ўзбекистон ёшлари кўни” сифатида белгилангани, турли соҳа ҳамда тармоқларга юксак натижа ва ютуқларга эришаётган йигитларни тақдирлаш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофотини, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ўқиш, меҳнат ҳамда жамоат ишларида ҳар томонлама



фаол иштирок этаётган ёшларни тақдирлаш мақсадида “Келажақ бунёдкори” медалини таъсис этиш кўзда тутилгани эртанимиз эгаларига бўлган юксак гамхўрлик ифодасидир.

Барча саъй- ҳаракатлар замирида халқимизни рози қилиш мақсади мужассам

Инсон ҳаётдан қачон рози бўлади? Қачонки, у ўз уйига эга бўлса, оиласи билан тинч-тўтув яшаса. Халқимизнинг яхши одати бор — топганини тўйга, иморат қуришга сарфлайди. Фарзандлари келажаги учун пойдевор қўяди. Бугун юртимиз шаҳару қишлоқларида бунёд этилаётган замонавий уй-жойларни қуриб, бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлардан динлигиз ярайди. Айниқса, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами вакилларини тураржой билан, ўз навбатида, имконияти чекланган хотин-қизларга тикув машиналари тўхфа этиш орқали уларнинг қасанчаллик асосида бандлигини таъминлаш мақсадида қилинаётган саовобли ишлар ҳар қанча тасхинга лойиқ.

Мустақиллик тантаналарида ана шу бахтиёрлик ва шодлик санъат усталари, бахшчилар, шоирлар ҳамда истеъодли ёшлар айтган куй-қўшиқлар, лапарлар, ашъорларда тараннум этилди.

Баравж хонишлар дилларга чексиз хушнудлиқ улашади. Бу завқ-шавқ дилда энг азиз тўйгу — Ватанга муҳаббат уйғотади.
Энг улуг, энг азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 27 йиллиги тантаналари давом этмоқда.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗИНГ МЕНИНГ УЛУҒЛАРДАН УЛУҒИМСАН,

ИСТИҚЛОЛ ТУҲФАЛАРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Хўжайли туманида “Ёшлар меҳнат гузари”нинг фойдаланишга топширилиши қорақалпоқ ёшлари учун байрам совғаси бўлди. “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастурига мувофиқ, ушбу маскан тадбиркор Ойбек Урозбоев саъй-ҳаракати билан бунёд этилди. Бунинг учун 750 миллион сўм йўналтирилди. 20 нафар ёш доимий иш билан таъминланган гузарда гўзаллик салони мавжуд, шунингдек, уй-рўзгор жиҳозлари, хўжалик буюмлари, парфюмерия савдоси йўлга қўйилди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Улуғнор туманида “Водий саноат фахри” масъулияти чекланган жамиятига қарашли “SOF TEX” ип-йигирув корхонаси 120 миллиард сўм маблағ эвазига барпо этилди.

Мажмуада 250 та иш ўрни яратилди. Ҳозир бу ерда ишлаб чиқариш жараёни Япония, Швейцария, Хитой, Туркия ва Германия давлатларидан келтирилган энг замонавий дастгоҳлар ёрдамида олиб борилмоқда.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Бухоро вилоятида ногиронлиги бор, меҳнатга лаёқатлилик даражаси чекланган кишиларнинг 192 нафарига замонавий уй-жойлар қуриб берилди.

— Қизимнинг ногиронлиги бор, — дейди гиждуювонлик Сурайё Бахромова. — 25 йилдан буён ота-онам ва акамнинг oilаси билан бирга ноқулай шарт-шароитда яшаб келаётгандик. Давлатимизга, Президентимизга раҳмат. Янги уйли бўлди. Жуда кўркам ва шинам. Кўрсатилган бундай гамхўрликдан жуда мамнунмиз.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Жиззах шаҳрининг Иттифоқ маҳалласида 32 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уй ёш oilаларга тақдим этилди.

— Янги уй соҳибаси бўлганимдан жуда ҳам хурсандман, — дейди Жиззах политехника институти ўқитувчиси Умида Элова. — Бу oilамизга ажойиб байрам совғаси бўлди.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ

Қизилтепа туманида “Оқ олтин капитал сервис” масъулияти чекланган жамияти томонидан портланд цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги корхона фаолияти йўлга қўйилди.

Умумий қиймати 33 миллиард сўм бўлган 120 та лойиҳа шарофати билан мазу уй ўрни яратилди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Норин туманининг Норинкапа қишлоғи марказида иш бошлаган “Yoshlar mehnat guzari”да тикувчилик устахонаси, савдо дўконлари, сабзавотлар растаси, гўзаллик салони, соғломлаштириш маркази сингари ўндан ортқ шохобчалар ўрин олган. Гузарда 26 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Яқин вақт ичида бу ерда фаолият турлари кенгайтириш ҳисобига қўшимча равишда яна ўн та иш ўрни яратилади. Тумanning Яйдоқ, Хўжаобод ва Шўрариқ масканларида ҳам шундай гузарлар барпо этилмоқда.

Ватан — муқаддас. Уни севиш, ардоқлаш — бурчимиз. Бинобарин, жонажон Ўзбекистонимизнинг ҳар қарич ери эъзозга, кўзларга тўтиё қилишга арзийди. Бугун шиддат билан амалга оширилаётган ислохотлар эса юртимиз ҳудудларини ривожлантириш, одамлар турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган. Шу боис мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма етти йиллиги бутун юртимиз узра шоду хуррамлик ила нишонланмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида асосий байрам тадбири Нукус шаҳри марказидаги амфитеатрда бўлиб ўтди.

— Бу йилги таассурот янада юксак, янада унутилмас, — дейди “Ўзбурғинефтьгаз” акциядорлик жамиятининг “Устюрт қидирув бурғилаш бошқармаси” масъулияти чекланган жамияти бурғилувчиси, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби Амангелди Ибраймов. — Чунки мамлакатимизда юз бераётган кенг қўламли ижобий ўзгаришлар одамларда эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

Байрам тадбири Оролбўйи-нинг барча шаҳар ва туманларида давом этаётир.

Андижон вилояти аҳли истиқ-лоннинг 27 йиллигини катта кўта-ринкилик билан қутиб олмоқда. Вилоят бўйлаб 161 ишлаб чиқ-ариш корхонаси, ижтимоий соҳа, маиший хизмат кўрсатиш объек-тлари, тураржойлар ишга туширил-ди. Булар ҳисобига қарийб 20 минг янги иш ўринлари ташкил қилин-ди. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 28 та маҳалла янги қиёфа касб этди.

Тантаналар Алишер Навоий но-мидаги истироҳат боғида ташкил қилинди.

Бухоро вилоятида ҳам истиқ-лол байрами ўзгача руҳда қарши олинди.

Айтиш ўринлики, давлатимиз раҳбарининг жорий йил феврал-да Бухорога ташрифи давомида вилоят иқтисодиётини янада ри-вожлантириш юзасидан муҳим ва-зифалар белгилаб берилди. Шу асосда вилоятда ҳозиргача 57 мингтага яқин иш ўринлари яра-тилди. Буларнинг барчаси эл-юрт фаровонлиги йўлида амалга оши-рилаётган хайрли юмушлардир. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 27 йиллиги му-носабати билан Бухоро маданий марказида бўлиб ўтган тантана-ли тадбирда ана шулар ҳақида сўз борди.

Жиззах вилояти марказидаги “Ёшлар шаҳарчаси”да жойлашган “Форум” тантаналар мажмуаси, унга туташ майдон ва хиёбонлар, маиший хизмат кўрсатиш объек-тлари ҳамда бинолар байрамона безатилган. Бу ерга Жиззах шаҳ-ри, туманлар меҳнаткашлари ва-киллари, вилоят меҳмонлари таш-риф буюрди.

Президентимиз Жиззах вило-ятини ижтимоий-иқтисодий ри-вожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб, жорий йилнинг 4 майи-да “Жиззах вилояти аҳолисини сифатли ичимлик суви билан

таъминлашни яхшилаш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади. Ушбу ҳужжатга асо-сан, 2018 —2020 йилларда “За-рафшон дарёси сувидан фойда-ланиш ҳисобига Жиззах вило-я

тининг ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш” лойиҳасига 448 миллиард сўм йўналтириш режалаштирилиб, жорий йилнинг ўзида ушбу лойиҳани амалга ошириш учун Давлат бюджети-

дан 160 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Азиз Ватанимиз тараққиётининг янги босқичида фаол қатнашаёт-ган Наманган вилояти аҳли ҳам қўлғу айёмни муносиб тўхфалар билан қарши олди. Байрам ара-фасида бир қатор ишлаб чиқариш қувватлари, ижтимоий иншоотлар фойдаланишга топширилди. Улар-дан бири — вилоят марказида бар-по этилган “Орзу” кичик саноат зо-наси бўлиб, у енгил саноат, озик-овқат, тиббий техника, полигра-фия, полиэтилен пакетлар ва плён-калар, энергия тежайдиган лампа-лар ишлаб чиқариш бўйича уму-мий қиймати 142 миллиард сўмдан зиёд бўлган 22 лойиҳани ўз ичига олган.

— Мустақиллиқнинг 27 йиллиги корхонамиз ҳаётида ёрқин из қол-дирадиган бўлди, — дейди “Иде-ал” савдо белгиси остида тайёр-ланаётган костюм-шимлари билан ички ва ташқи бозорда муносиб ўрин олган “Истиқлол дизайн мар-кази” масъулияти чекланган жами-яти раҳбари Бахтиёр Умаров. — Кичик саноат зонасида қуриб бит-казилган иккинчи корхонамиз йи-лига 250 минг дона либос ишлаб чиқариш қувватига эга.

Навоий вилоятида истиқлол байрами мустақиллик тўхфа этган бебаҳо нэматлар — мусасфо ос-мон, фаровон ҳаёт, эртанги кунга мустаҳкам ишонч туйғулари шуқу-ҳида, чексиз қувонч билан танта-на қилинди.

Чунончи, Қизилқум кенгликлари-даги Томди туманининг Ўтемурут, Учқудуқ туманининг Қулқудуқ қиш-лоқларида “Обод қишлоқ” дасту-ри доирасидаги бунёдкорлик иш-лари нийосига етказилиб, ғуқа-ролар байрам тўхфаларини қабул қилдилар. Шунингдек, Хатирчи ту-

ЮКСАК ЭЪТИБОР УЧУН РАҲМАТ, ЎЗБЕКИСТОН!

Кэролин ЛЭММ,
Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси,
“Дўстлик” ордени соҳиби:



Америка — Ўзбекис-тон савдо палатаси ташкил топганининг 25 йиллиги арафасида Президент Шавкат Мирзиёевнинг менга “Дўстлик” орденини бе-риш тўғрисидаги Фар-мони эълон қилингани-ни эшитиб, гурур ва иф-тихор ҳиссини туйдим.

Палатанинг раиси ҳамда асосчиларидан бири сифатида 1993 йил сен-тябрь ойини жуда яхши эслайман. Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик ало-қалар энди ўрнатилган, Американинг учта компанияси ташаббуси билан икки давлат иштирокидаги илк сав-до ташкилоти очилгани ўшада. Ўтган вақт мобай-нида уюшмамиз аъзолари Ўзбекистонда муваффа-қият билан бизнес олиб борди ва мен Ўзбекистон иқтисодиётида, хусусий секторда, умуман, дунё иқтисодиётидаги кўплаб ўзгаришларга гувоҳ бўлдим. Хусусан, иқтисодиётнинг йилдан-йилга барқарор суръатлар билан ўсиши, ялпи ички маҳсулот ҳажми-нинг 1993 йилдаги 13 миллиард доллардан бугунги кунга келиб, бир неча баробар ошиб кетганини эъти-роф этиш жоиз. 25 йиллик фаолияти давомида па-латамиз икки томонлама тижорат ва бизнес алоқа-ларини яхшилаш борасида кўплаб ютуқларга эриш-ди. Бугун биз Ўзбекистон томонидан олиб борила-ётган ислохотларни улкан сакраш сифатида баҳо-лаймиз. Қолаверса, шу йил май ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга амалга оширган та-рихий ташрифи аяунлари бўйича эришилган қарийб 5 миллиард долларлик битимлар, бизнес-режа-лардан жуда мамнунмиз.

1993 йилдан буён уюшмамиз аъзоларининг ак-сарияти Ўзбекистонда фаол бизнес юритмоқда ва барчамиз Ўзбекистон Президентининг тадбир-корларни қўллаб-қувватлаш сиёсатини олқишлай-миз. Президент Мирзиёев икки мамлакат фуқа-ролари учун бизнес сектори келтириши мумкин бўлган фойдани тушуниб турибди. Тадбиркорлар-ни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш доим унинг диққат

марказидадир. Президент бизнесни ҳимоя қиля-пти, бизнесга ёрдам беряпти ва Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорлик қилишга интиломоқда. Биз, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси ва-киллари бундай қатъиятни қўллаб-қувватлаймиз ва Америка компаниялари, АҚШ ҳукумати вакил-ларини шу йил 23 октябрда Тошкентда ўтказила-диган АҚШ — Ўзбекистон йиллик бизнес фору-мида иштирок этишга қадамиз. Мақсадимиз — АҚШ тадбиркорлари билан ҳамкорликда муваф-фақиятга эришиш учун ўз билим, тажриба ва ре-сурсларимизни Ўзбек ҳукумати билан баҳам қилиш.

Бизнинг аъзо компанияларимиз Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жўшқинлигидан, шаффофлик, очиклик, холислик, адолат, изчиллик ва барқарорлик сингари Фарбда кучли қадрлана-диган ишбилармонлик қадриятлари раванк топа-ётганидан мамнун. Буларнинг барчаси ҳар қандай америкалик инвестор бозорга кириб келишдан ав-вал талаб қиладиган қонун устуворлиги ва барқа-рорлиқнинг асосидир. Шу сабабдан ҳам Ўзбекис-тон Президентининг коррупцияга барҳам бериш борасида қилаётган ҳаракатларига юксак баҳо бе-рамыз ҳамда мамлакатдаги қонунийлик ва ҳуқуқ муҳитини АҚШ инвестициялари янада кўпроқ ки-риб келишига йўл очадиган даражага олиб чиқиш-да баҳоли қудрат кўмаклашишга тайёرمىз.

Ҳозирги кунда Осиё дунёнинг энг кучли рақо-бат маконига айланган экан, бугунги Ўзбекистон бу ерда етакчи позицияни эгалламоқда. Агар ис-лохотлар мана шундай космик тезликда давом этса, у бундан-да юқори натижаларга эришиши мумкин! Аминманки, ҳар икки томоннинг диқ-қат марказида бўлган масалаларни ҳал қилишда ҳаракатларимизни биргаликда давом эттирамиз, бу ерда — Қўшма Штатларда кўплаб хайрихоҳ дўстлар борлигига Ўзбекистон ҳукуматинон инон-тира оламиз ва Ўзбекистонда ҳам бизнинг дўстларимиз кўп эканига ишонамиз. Шу йил октябрда бўлиб ўтадиган АҚШ — Ўзбекистон йиллик бизнес форумида Американинг кўплаб компаниялари қатнашади, деган умиддамиз.

Ушбу ажойиб муқофотга лойиқ кўрилганимдан фахрланаман ва уни икки томонлама муносабат-ларни ривожлантириш учун астойдил меҳнат қи-лаётган Америка — Ўзбекистон савдо палатаси аъзолари билан бўлишаман. Юксак эътибор учун раҳмат, Ўзбекистон!

САНЪАТИМИЗ ХАЛҚЛАРИМИЗ ДЎСТЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Адҳам ХОЛИҚОВ,
«Садриддин Айний номидаги опера ва
балет академик театри» давлат муассасаси
бадвий раҳбари,
Ўзбекистон Республикаси халқ артисти:



— Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинганининг йигирма етти йил-лиги арафасида Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Тожикистон Республи-касининг бир гуруҳ давлат ва жамоат арбоблари, маданият, фан ва соғлиқ-ни сақлаш соҳалари вакиллари-ни му-кофотлаш тўғрисида”ги Фармони асо-сида юксак муқофотга сазовор бўлдим. Бундан қалбим чексиз гурур ва ифти-хорга тўлди, кўзларимга ёш келди.

Минтақда дўстлик, қардошлик, тинчлик, барқарорлик, ишонч туйғула-рини мустаҳкамлагани учун Ўзбекистон раҳбарига барча қатори Тожикистон аҳолиси ҳам миннатдорлигини билдир-моқда. Жорий йил март ойида Ўзбе-кистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга, яқинда Президентимиз Эмомали Раҳмоннинг эса мамлакатингизга амал-га оширган давлат ташрифи икки қадр-дон халқ вакиллари-ни беҳад қувонтир-ди. Борди-келдилар кучайди.

Ўзбек ва тожик халқлари азалдан ёнма-ён яшаган, қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтган. Бу борада Шавкат Мирзиёев “Ўзбек ва тожик халқлари бир дарахнинг икки шохи, бир дарёнинг икки irmoғига ўшайди. Бизнинг муқаддас динимиз, еришимиз ва сувимиз бир. Қувонч ташвишларимиз, тақдиримиз муштарак. Аждодларимиз-нинг эзгу анъаналарини давом этти-риб, халқларимиз дўстлигини мустаҳ-камлашимиз ва асраб-авайлашимиз керак”, дея жуда ажойиб фикрни билдирди. Бу ҳаммамизнинг айна

дилимиздаги гап бўлди. Юрагим-даги бир гап-ни айтсам: Ўзбекистонга меҳрим ўзгача. Чунки Тошкент театр-ларида маҳоратимни оширдим, шу ерда санъатга, musiқага қалбимда му-ҳаббат янаям чуқур илдиз отди. Бу ша-ҳарда ўзига хос маънавий муҳит мав-жудки, санъатга ошно қалбни, албат-та, парвозга ундаб туради.

Ўтган йил октябр ойида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида чиқиш қилиш бағтига муяссар бўлдим. Бу мен учун улкан орзу эди. Мазкур театр Марка-зий Осиёдаги энг улуг даргоҳдир. То-жикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга та-шрифи муносабати билан “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида ўтқа-зилган “Дўстлик оқшоми” номили кон-церт дастуридида қиқишим ҳам катта олқишлар билан қутиб олинди. Ўша ондаги ҳаяжоним, таассуротларимни таърифлаш қийин. Бу мен учун жуда катта шарафдир.

Табиятан ўзимни ҳамиша ёш ҳис этиб юраман. Қалбим шундай. “Ўзбе-кистон Республикаси халқ артисти” ун-вони мени янаям ёшартириб юборди. Санъатимиз халқларимиз дўстлигига хизмат қилсин. Ҳаётимиз шу тарика мазмунли давом этсин. Халқларимиз бахтли-саодатли, бир-бирига елкадош бўлиб юрилишинг ўзи биз учун катта саодатдир!



Халқ билан бевосита мулоқот олиб бориш, унинг дарду ташвишлари билан яшаш, эл-юртимизни рози қилиш — бу вақтинчалик кампания эмас. Бу — халқимизнинг фаровон ҳаётини, юртимиз равнақини таъминлашга қаратилган узоқ муддатли стратегиядир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ВАТАНИМ!

манидаги Хўжақўргон, Қизилтепа туманидаги Маликобод қишлоқлари ҳам мазкур дастур асосида мутлақо янги қиёфа касб этди. Байрамнинг асосий тантаналари Навоий шаҳридаги амфитеатрда нишонланди. Барча жойлардаги каби Самарқанд вилоятида ҳам Мустақиллик байрамнинг 27 йиллик тантаналари кўтаринки руҳда ўтди. Асосий тантана Самарқанд шаҳридаги “Муъжиза” амфитеатрида ташкил этилди.

Жорий йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан, умумий қиймати 4 триллион 604 миллиард сўмга тенг, жами 1294 та лойиҳа амалга оширилаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шуниси эътиборга молики, бу кўтлуғ байрам арафасида 400 дан ортиқ ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш объектларининг фойдаланишга топширилганлиги ҳам халқимиз учун байрамга муносиб совға бўлди.

Энг улуғ ва энг азиз байрам шодиёналари Сурхондарё вилоятида ҳам кенг нишонланмоқда. Бу кўтлуғ айёмга бағишланган асосий тантаналар Термиз шаҳридаги санъат саройи амфитеатрида бўлиб ўтди. Байрам саҳнасида Ватан озодлиги, эрқу истиқлол учун жон фидо қилганлар улуғланди. Бахтли ҳаётимиз кафолати бўлган мустақиллиқни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, жонажон Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини ошириш, обод ва озод диёримизнинг гуллаб-яшнаши учун муносиб ҳисса қўиши, бу йўлда матонат ва жасорат кўрсатиш лозимлиги саҳна кўринишларида зўр маҳорат билан ифода этилди.

Улуғ айём арафасида Сирдарё

вилоятида байрам шукуҳига шуқуқ қўшадиган кўплаб бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари бажарилиб, бир неча янги корхоналар иш бошлади. Хусусан, Янгиер шаҳрида 90 хонадонли арзонлаштирилган кўп қаватли иккита тураржой фойдаланишга топширилган бўлса, қатор маҳалла ва қишлоқларда “Обод маҳалла” ҳамда “Обод қишлоқ” дастури асосидаги ишлар ниҳоясига етказилди. Уй тўйлари ва бошқа тантаналар Мустақиллик байрами шодиёналарига улашиб кетди.

Истиқлолимизнинг 27 йиллигига бағишланган асосий тантана Гулистон шаҳридаги кўркам амфитеатрда бўлиб ўтди.

2018 йилда Фарғона вилоятида 408 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, намунали лойиҳалар асосидаги 2696 та арзон тураржой фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда.

Байрам тадбирида хорижлик меҳмонлар, вилоятнинг барча ҳудудидан таклиф этилган нурунийлар, меҳнат фахрийлари, давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медалларига сазовор бўлган ҳамюртларимиз, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва вакиллари, ёшлар, ишлаб чиқариш фаоллари қатнашди.

Файзли тантана санъат усталари ҳамда ёш эстрада хонандаларининг куй-қўшиқлари, рақсларга улашиб кетди. Қашқадарё вилояти марказидаги амфитеатрда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 27 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Худудда калий тузи, мрамар, керамзит, ёнғуви сланец, тош-

кўмир, кўрғошин, марганец, чинни тоши, бентонитли гил, кумли глауконит каби ўндан ортиқ турли фойдали қазилмалар мавжуд. Мамлакатимизда қазиб олинаётган газнинг 64, нефтнинг 67, газ конденсатининг 87,4 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келаётди. Мустақиллик йилларида вилоятнинг тоғли ҳудудларига ҳам темир йўл кириб бориши бу ерда мавжуд улкан хом ашё захираларидан фойдаланиш имконини берди.

Байрам томошаларида Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ижодкорлари, М. Тошмухаммедов номидаги вилоят мусиқали драма театри актёрлари, вилоят кўғирчоқ театри, академик халқ бадийи жамоалари, эл севган хонандалар, вилоят ашула ва рақс ансамблининг чиқишлари намойиш этилди. Энг улуғ, энг азиз айём тантаналари воҳанинг барча шаҳар ва туманларида кўтаринки руҳда нишонланди.

Тошкент вилояти ҳудудларида ҳам халқимиз ҳаётида муҳим ва шонли санага айланган энг улуғ, энг азиз айём муносиб тўғралар билан кутиб олинмоқда.

Байрам арафасида жойларда 59 та ижтимоий соҳа объекти, 20 та кўп қаватли тураржой, 45 та ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхонаси фойдаланишга топширилди. 30 га яқин маҳалалар янги ва замонавий биноларга эга бўлди.



Хурсандбек АРАББОВЕВ олган суратлар.

Байрамнинг асосий тантаналари Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтди. Вилоятда халқимиз фаровонлиги, турмуш даражасини ошириш йўлида дадил қадамлар ташланаётгани, барча саъй-ҳаракатлар инсон, унинг истиқболи, келажаги учун қилинаётгани тадбирда алоҳида таъкидланди.

Хоразм вилояти аҳолиси ҳам Мустақиллигимизнинг 27 йиллигини барча ҳамюртларимиз қатори кўтаринки кайфият, муносиб ютуқлар, улкан бунёдкорлик ишлари билан кутиб олдилар.

Урганч шаҳридаги “Авесто” бог мажмуида “Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбекистоним!” шиори остида ташкил этилган театрлаштирилган дастур ўртоқлашимиз ҳамда хорижлик меҳмонларга манзур бўлди.

— Мустақиллик байрами шоди-

ёналари, истиқлол нашидаси ҳар биримизнинг дилимизга, шууримизга сингиб кетди, — дейди “Нуроний” жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими раиси, “Дўстлик” ордени соҳиби Маткарим Жуманиёзов. — Юртимиз тинч, турмушимиз фаровон, ҳар жабҳада бунёдкорлик ишлари авжида. Халқимизнинг эзгу мақсадлари рўйбга чиқмоқда. Айниқса, фахрийларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар таҳсинга сазовор. Халқимиз шукроналик, эртанги кунга катта ишонч билан қараб, улуғ айёмни шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Байрам тадбирлари юртимизнинг барча шаҳару қишлоқларида, меҳнат жамоаларида давом этапти.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Президентимиз Фармонларига биноан, мустақиллигимизнинг йигирма етти йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ва ишлаб чиқариш, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Бу уларга катта хурсандчилик бағишлади.

МЕҲР ВА ЭЪЗОЗДАН ЧЕКСИЗ МИННАТДОРМИЗ

Бахшикул ТОҒАЕВ, Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси:

— Одамлари оқибатли, эзгу ниятли халқмиз. Бугун икки киши учрашса, улуғвор ўзгаришлардан сўз очилади. Чиндан ҳам, бу янгилинишлар ҳар биримизнинг ҳаётимизга, турмушимизга дахлдорки, бундан беҳад қувончдамиз. Бу шундай эзгуликларни куйлаш эса биз, бахшиларга янада илҳом бағишлайди. Ватанимизда шиддат билан кечаётган бугунги ис-

лохотлар жараёнидан хурсанд бўлиб юрганимизда, яна бир хушбабар келди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” унвони билан тақдирландим. Бу эъзоз мени тўлқинлантиради. Юртга фидойи бўлиш, одамларга наф келтиришга ундайди.

Оразбай АБДУРАХМАНОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси:

— Шу фараҳбахш кунларда давлатимиз раҳбарининг Фармонида кўра, “Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси” унвони билан мукофотландим. Бундай юксак рағбат учун беҳад миннатдорман.

Оролбўйи ҳудудда яшаганим боис бу ердаги одамларнинг дарду ташвишлари, орзу-ўйларидан яхши хабардорман. Сўнгги икки йилда ҳудудимизда рўй бераётган оламшумул ўзгаришлар эса аҳолини узоқ йиллардан бери ўйлантириб келаётган муаммолар инсоф ва

адолат тарозиси ила ҳал этилаётганини кўрсатади. Юртга, халққа, оддий одамларга бўлган меҳрни ўзида ифодалаб турган бу хайрли амаллар ҳар биримизга ибрат бўлиши даркор. Бинобарин, ижодкорман деган одам мана шундай эзгуликлардан кўпроқ илҳом олади, завқланади.

Билдирилган юксак ишончга муносиб бўлиш учун янада фаол ижод қиламиз.

Максуд ЖОНИХОНОВ ёзиб олди.

«УЛЛИ ҲОВЛИ» МЕҲМОНЛАРНИ КУТМОҚДА

Ҳар бир инсон меҳнати эътироф этилса, чин дилдан қувонади, гайрат-шижоат билан ишлашга интилади. Давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлар қаторида борлигимни кўриб, буни юрак-юрақдан ҳис этдим.

Узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилдим. Нафақага чиққач, Урганч туманидаги Ғойб қишлоғи ҳудудида XVII асрда барпо этилган “Улли ҳовли” тарихий мажмуага туташ ҳолда “Ўзбек — туркман” дўстлик уйи, янгиланган намунавий лойиҳадаги уй-жойлар, мактаб, мактабга-ча таълим муассасаси, болалар мусика ва санъат мактаби, оилавий поликлиника қад ростлади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 24 апрель кuni Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов билан Хоразм вилоятига ташрифи чоғида мазкур сайёҳлик мажмуаси билан

яқиндан танишиб, амалга оширилган ишларга юксак баҳо берди.

Бугун “Улли ҳовли” маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар катта қизиқиш билан томоша қиладиган масканга айланган. Туркман халқининг миллий маданиятига оид осориёткалар, “Устоз — шогирд” анъанаси асосида ташкил қилинган тўқувчилик, тикувчилик, наққошлик, заргарлик, кашта-дўзлик каби ўндан ортиқ тўғараклар фаолияти, миллий таомларни тайёрлаш жараёнилари сайёҳларда ёрқин таассурот уйғотмоқда.

Бундан кейин янада шижоат билан ишлаб, мамлакатимиз туризм салоҳияти юксалишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Давлатназар РАҲАБОВ, Урганч туманидаги «Улли ҳовли» туристик маркази раҳбари, «Дўстлик» ордени соҳиби.

ИСТИҚЛОЛ ТУҲФАЛАРИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Вилоятда ўтказилган “Silk road bazaar” миллий фестивалида Тошкент, Қашқадарё, Фарғона хунармандлари ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Фестивалда савдо ярмаркалари ўтказилиб, фольклор-этнографик жамоа ва эстрада хонандалари чиқишлари билан бир қаторда, театрлаштирилган томошалар намойиш қилинди. Фестиваль хорижлик сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Боёвут туманида кунига 100 мингтагача гишт ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий корхона иш бошлади. Лойиҳа рўёбига тижорат банкнинг 8 миллиард сўмлик кредит маблағи йўналтирилди. Натижада бу ерда 150 нафар ёш доимий иш билан таъминланди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Жарқўргон туманидаги “Сурхонтекс” қўшма корхонасида модернизациялаш ва технологик янгилаш ишлари амалга оширилди. Айни мақсаддаги қурилиш-таъмирлаш юмушларига 9,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Пировардида бу ерда йилга 9 минг тонна калава ип, 4 минг погон метр газлама ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Эндиликда пахта хом ашёсидан тайёр газлама ишлаб чиқаришгача бўлган жараён шу ернинг ўзида амалга оширилади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Оҳангарон шаҳридаги марказий истироҳат боғида қад ростлаган муҳташам амфитеатр мажмуаси энг улуғ, энг азиз байрам шуқуҳига ҳамоҳанг бўлди. Тадбиркор Шавкат Комилов саъй-ҳаракати билан барпо этилган ушбу маскан байрам ва турли маросимларни ўтказишга мўлжалланган бўлиб, 800 томошабинни сиғдира олади. Уни барпо этишга 2 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Тошлоқ туманининг “Дўстлик”, “Янгийўл”, “Заркент” МФЙ ҳудудларида “Yoshlar mehnat guzagi” учун жой ажратилди. “Дўстлик” МФЙдаги янги ташкил этилган гузарда тикувчилик цехи очилиб, 18 иш ўрни яратилди. Шунингдек, “Обод қишлоқ” дастури доирасида мазкур манзиллардаги учта кам таъминланган оила хонадонлари “Фидойи ёшлар” отряди томонидан таъмирлаб берилди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Урганч шаҳридаги “URG TEX” масъулияти чекланган жамиятида 12,2 миллион долларлик инвестиция эвазига энг замонавий технологиялар ёрдамида калава ип тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ушбу корхона йилга 4 минг тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш ва 7 миллион АҚШ доллари миқдорига тенг маҳсулот экспорт қилиш қувватига эга.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Қарши шаҳрида “Хавфсиз шахар” тизими ишга туширилди. Шу муносабат билан мазкур шахар ИИБсининг алоҳида бўлимлари ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи бошқарма ташкил этилди.

Янги тизимда ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир бўлим учун замонавий бинолар ажратилиб, улар зарур мебель жиҳозлари ва технологиялар билан таъминланди. Унда ходимлар видеокузатув воситалари ёрдамида ўз ҳудудида назорат ўрнатиши мумкин.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.





Мамлакатимизга Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг ташрифи кутилмоқда. Мазкур муҳим воқеа арафасида ушбу давлатнинг араб, умуман, мусулмон оламидаги, шунингдек, Африка қитъасидаги мамлакатлар орасида Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эгалигини қайд этиш ўринлидир. Миср ва Ўзбекистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболларини чуқур таҳлил қилсак, ўзаро алоқалар барқарор равишда, дўстона руҳда кўплаб соҳаларда кенгайиб бораётганига гувоҳ бўламиз.

Муносабатлар узоқ тарихга эга

Миср — араб давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, яъни 1992 йилнинг 26 декабрида мамлакатимиз мустақиллигини тан олган юрт сифатида тарихга кирган. Ўзбекистон Миср давлати билан халқаро майдонда илк дипломатик алоқаларни йўлга қўйган даврдан бошлаб, то ҳозирги вақтга қадар ишончли ҳамкор эканлигини намоён этди.

Бугунги кунда икки давлат муносабатларини йўлга солувчи турли доирадаги 51 ҳужжатни ўз ичига қамраган шартномавий-ҳуқуқий база мавжуд. Икки давлат халқаро микёсда бир-бирини дипломатик жиҳатдан олқишлаб келмоқда. Чунончи, 2018 йил 22 июнда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ томонидан қабул қилинган Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва исчи тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ҳақидаги резолюцияни Миср ҳам қўллаб-қувватлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Самарқандда Имом Бухорий номидagi халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ислон цивилизацияси маркази фаолиятини йўлга қўйиш гоёси 2016 йил октябрь ойида Ислон ҳамкорлик ташкилотининг 43-сессиясида ўқиб эшитирилганида, бу ташаббус ҳам Миср томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди.

Миср бир вақтнинг ўзида ҳам Араб давлатлари лигаси, ҳам Африка Иттифоқининг аъзосидир. Қоҳирада Араб давлатлари лигасининг маъмурий биноси мавжудлиги Мисрнинг бу ташкилот доирасидаги нуфузини кўрсатади.

Мисрдаги Ал-Азхар университети мусулмон оламидаги энг обрўли таълим даргоҳларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан ушбу университет ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Юртимизда илгари сурилаётган “Маърифатли ислом” тамойили асосида ҳамкорлик қилиш учун Миср мусулмон оламидаги муқобил давлатлардан бири сифатида қаралади.

Мамлакатларимизни улкан географик сарҳадлар ажратиб турсада, бундай ҳолат икки томонлама муносабатларнинг ривожланишига монелик қилмаган. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Марказий Осиё халқлари қадимги даврдан бошлаб Яқин Шарқ ҳудудидаги давлатлар ва Миср билан савдо-мада-

ний алоқалар ўрнатган. Аждодларимиз Мисрда ҳам бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини амалга оширишда қатнашган.

Ўз навбатида, илк Ўрта асрларда буюк мутафаккир бобокалонимиз Аҳмад ал-Фарғоний Қоҳира шаҳрининг марказидан ўтган Нил дарёси ўзанида жойлашган Рода оролида сувнинг ҳажми ва тезлигини ўлчайдиган иншоот — ниломерни яратди. Эътиборлиси, бу иншоотдан ҳозиргача фойдаланиб келинмоқда. Ўзининг буюк асарлари билан инсоният тарихида ўчмас из қолдирган мутафаккир бобомизнинг Миср ривожига қўшган ушбу хизмати доимо қадрланади. Шу сабабдан Қоҳира шаҳрининг марказида буюк бобокалонимизга бағишлаб ҳайкал ўрнатилган. У 2007 йилда ўзбек ҳайкалтароши Жалолиддин Миртожиев томонидан айнан мутафаккир яратган ниломер яқинида барпо этилди. Аллома ҳайкалининг Мисрда қад ростлаши, том маънода, Миср халқининг Ўзбекистонга бўлган миннатдорлик рамзидир.



МАЪЛУМОТ УЧУН:

Аҳмад ал-Фарғонийга ўрнатилган меъморий обидада буюк мутафаккир ўнг қўлида циркул, чап қўлида эса ёрлиқ ушлаган ҳолда гавдаланган. Ёрликда қолдузлар тасвири туширилган. Шунингдек, унда Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Қоҳира шаҳарлари номлари келтирилган. Бу аллома умри давомида яшаган ва ижод қилган шаҳарлардир. Ёрлиқнинг пастки қисмида Миср эҳромлари ва Сфинкс тасвирланган.

Савдо имкониятлари кенг

Кези келганда айтиш лозимки, Ўзбекистон ва Миср ўртасида йўлга қўйилган кенг сиёсий ва маданий алоқалар савдо айланмасида етарли равишда акс этмаяпти. 2017 йил якунига қўра, Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми бор-йўғи 10 миллион долларни ташкил этгани бунинг яққол далилидир.

Ушбу кўрсаткичлар, албатта, томонларнинг иқтисодий салоҳиятига мувофиқ эмас. Бунинг сабаблари бор, албатта. Яқин кунларгача Миср билан

Ўзбекистонни боғловчи қулай транспорт коридорлари мавжуд эмас эди. Бироқ 2017 йилда Боку — Тбилиси — Карс темир йўл йўналиши ишга туширилганидан сўнг вазият бутунлай ўзгари. Озарбайжон ва Грузия сарҳадларини кесиб ўтиб, Туркиянинг Мерсин портига элтувчи ушбу транспорт коридори Ўзбекистон учун ҳам тақдир савдо ҳамкорларини диверсификация қилишда улкан имкониятлар яратди. Бу порт орқали Ўрта ер денгизи бўйлаб боғланиш мумкин бўлган энг истиқболли ҳамкорлардан бири Миср бўлиши мумкин.

Ўзбекистон бугунги кунда минтақавий транспорт тармоқлари лойиҳаларига катта аҳамият қаратмоқда. Уларни амалга жорий этиш ташқи иқтисо-



Абдулфаттоҳ ас-СИСИ, Миср Араб Республикаси Президенти

Шу фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни муштарак манфаатлар йўлида барча соҳаларда мустаҳкамлашга қаратилган ҳамкорлигимизни кўллаб-қувватлашимни таъкидлайман.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан йўлланган кутловдан

дий ва сиёсий фаолиятимиздаги устувор мақсадлардан ҳисобланади. Ҳозирги вақтгача ишлаб чиқилган ва долзарб ҳисобланган транзит коридорлари лойиҳалари ичида энг истиқболлиларидан яна бири сифатида Ўзбекистон билан Яқин Шарқ мамлакатларини боғловчи Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Умон транспорт тармоғи лойиҳаси ҳисобланади. Ушбу халқаро транспорт коридорини яратиш бўйича шартнома 2016 йил апрель ойида қучга кирган. Эңдиликда фақатгина назарий ишлардан амалий ҳаракатларга ўтиш қолди. Лойиҳанинг тўлиқ битказилиши табиий равишда Ўзбекистоннинг Яқин Шарқ мамлакатлари билан савдо ва маданий алоқалари кучайишига хизмат қилади. Албатта, бу ҳолатда Миср давлати минтақадаги араб давлатлари билан муносабатларини йўлга қўйишда кучли сиёсий ҳамкор бўлиши мумкин.

2017 йил якунларига мувофиқ, Миср ялпи ички маҳсулоти микдори 256 миллиард АҚШ долларини ва харид қобилияти паритети бўйича эса 1 триллион 200 миллиард долларни ташкил этди. Бу мамлакатнинг етарли даражада молиявий куч ва инвестицион салоҳиятга эга эканлигидан далолатдир. Юртимизда бизнес учун зарур шарт-шароитлар ва хорижий сармоядорлар учун қулай инвестицион муҳитинг яратилаётгани Миср инвесторларида Ўзбекистонга сармоя киритиш гоёсини туғдирса ажаб эмас.

Истиқболли соҳалар

Жорий йилнинг февраль ойида Ўзбекистон ва Миср бизнесменлари ўртасида бўлиб ўтган учрашувда имзоланган ўзаро ҳамкорлик меморандуми иқтисодий муносабатларнинг жонланаётганлигига ёрқин мисолдир. Шартнома бандларига асосан, мамлакатимиз Мисрга “Artel” миллий компанияси томонидан ишлаб чиқариладиган маиший-техника воситаларини экспорт қилиш имкониятига эга бўлди.

Шу келишув доирасида Мисрнинг “Eco Solar Energy” компанияси “Artel”нинг қуёш панелларини харид қилиш истагини билдирди. Маълум бўлишича, мазкур компаниянинг мақсади “Artel” корхонасининг бундай маҳсулотларини нафақат Миср бозорларига олиб кириш, балки Ливияда ҳам унинг хариддорларини топишга қаратилгандир.

“Toshiba — Al-Arabi” корхонаси эса Ўзбекистон иқтисодиётига катта миқдорда сармоя киришти мақсадини маълум қилди. Миср компаниясининг ушбу инвестицияси “Ўзэлтехсаноат” АК билан ҳамкорликда Ўзбекистонда маиший-техника воситаларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни кўзда тутувчи заводлар қурилишига йўналтирилади.

Бундан ташқари, Миср ва Ўзбекистон ўртасида тўқимачилик соҳасида алоқаларни кучайтириш кутиляпти. Шу йилнинг март ойида “Ўзтўқимачилик-саноат” уюшмаси ва Мисрнинг етакчи “Shamsy Group” компанияси ўрта-

сида учрашув бўлиб ўтди. Унда иккала ташкилот ҳам ҳамкорликда қўшма корхона ишга тушириш истагини билдирди.

Миср тўқимачилик соҳасида сезиларли ютуқларни қўлга киритган давлатлар қаторига қиради. Умумий саноатнинг 25 фоизи тўқимачилик ҳиссасига тўғри келади. Мисрда пахта етиштиришдан тортиб, тайёр кийим-кечак маҳсулоти ишлаб чиқаришгача бўлган барча жараён миллий корхоналар томонидан мамлакатнинг ўзида амалга оширилади. Бу эса Мисрнинг тўқимачилик саноати минтақадаги бошқа давлатлардан ишлаб чиқаришнинг барча циклини ўз



МАЪЛУМОТ УЧУН:

Миср Араб Республикаси Африканинг Шимоли-Шарқий қисмида жойлашган давлат. Шимолда Ўрта ер денгизи, Шимоли-Фарбдан Ливия давлати ва Шимоли-Шарқий томондан Исроил ҳамда Ғазо сектори, Шарқдан Қизил денгиз ва Жанубдан Судан давлати билан чегарадош. Ҳудуди 1 001 450 км² ни ташкил этади. Қоҳира ҳамда Искандария Мисрнинг йirik шаҳарлари ҳисобланади. Қоҳира мамлакат пойтахти. 2017 йилда шаҳар аҳолиси сони 12 миллион кишига етди. Шаҳар атрофида истикомат қилувчи аҳоли сони билан умумий ҳисобларда эса Қоҳира нуфуси 20,5 миллион кишини ташкил этади.

ичига олиши билан ажралиб туришини кўрсатади.

Шунингдек, Миср билан кенг манфаатли савдо ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишда қуйидаги соҳалар истиқболли ҳисобланади.

ФАРМАЦЕВТИКА. Дори-дармон ишлаб чиқаришнинг кўплаб соҳаларида Миср ютуқларни қўлга киритган. Шунга қарамай, ички бозорда унга эҳтиёж сезади.

Миср ички бозориди дори-дармон тайёрлаш билан 22 та трансмиллий корпорация фаолият кўрсатади. Лекин чет элдан мамлакатга кириб келётган фармацевтика маҳсулотларининг бир иллик импорти 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда. Агар юртимизда 150 дан ортиқ маҳаллий корхоналар 2,5 мингдан ортиқ турдаги дори воситаларини ишлаб чиқараётганини инобатга олсак, бу катта бозордан биз ҳам ўз улушимизни топишимиз мумкин.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ. Мисрнинг озиқ-овқат саноати мамлакат иқтисодиётининг энг жадал ривожланаётган тармоғи саналади. Иқтисодиётнинг бу тармоғида, асосан, хусусий корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу саноат тармоғи ўзининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига қўшадиган ҳиссаси бўйича асосий бешта тармоқ сирасига қиради.

Ўзида 45 та етакчи компанияни бирлаштирувчи “Holding Co. for Food Industries” хусусий корхонаси Миср озиқ-овқат саноатида фаолият кўрсатувчи энг йирик ташкилотдир.

Миср мева ва полиз экинлари шарбатларини экспорт қилиш бўйича Ўрта ер денгизи минтақасидаги бешта, зайтун маҳсулотларини етиштириш ва

тайёрлаш бўйича эса дунёдаги 10 та йирик давлатдан бири саналади. Жаҳонга пишлоқ етказиб берувчи мамлакатлар ичида олтинчи ўринда туради.

Миср бугдой импорт қилувчи дунёдаги энг йирик давлатлардан бири саналади. Дунё бўйича бугдой импортининг 7 фоизи Миср ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатнинг ўзи 8 миллион тоннага яқин бугдой етиштирса-да, ички эҳтиёжини қондириш учун йилга яна 12 миллион тоннадан ортиқ бугдой импорт қилади. 2017 йилда Миср дон маҳсулотлари хариди учун 4 миллиард, гўшт ва гўшт маҳсулотлари учун 1,5 миллиард, шакар учун 800 миллион, ҳайвон ҳамда ўсимлик ёғлари учун 1,3 миллиард, полиз маҳсулотлари учун 455 миллион ва суг-тухум маҳсулотлари импортига 470 миллион АҚШ долларини микдориди маблағ сарфлади.

КИМЁ САНОАТИ. Мисрнинг кимё саноати бевосита нефть-газ тармоғи ривожини билан узвий боғлиқ. Минерал ўғитлар ва нефть-кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш Миср кимё саноатининг асосини ташкил этади. Бу са-

морий обидаларнинг сони ҳамда салмоғи гувоҳлик бермоқда. Бундай ҳолат туризм соҳасининг иқтисодиётнинг стратегик йўналишига айланиши учун замин ҳозирлаган.

2017 йилда “Пирамидалар ўлкаси”-га ташриф буюрган туристлар сони 8,3 миллион кишини ташкил этди ва бу 2016 йилдагига нисбатан сайёҳлар улуши 54 фоиз ошганлигини кўрсатди. Мисрнинг туризм соҳасидаги улкан тажрибасини инобатга олган ҳолда, бу давлат билан ўзаро тажриба алмашиш Ўзбекистон учун ҳам соҳадаги имкониятларни янада кенгайтиришда қўл келади.

Ўтган йил якунига қўра, Миср аҳолиси 96 миллион кишига етди. Бу Миср араб мамлакатлари ичида энг кўп аҳолига эга давлат эканлигини кўрсатиб турибди. Икки давлат ўртасидаги сайёхлик соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро сайёҳлар алмашинуви даражасида ҳам амалга оширилса, мазкур ҳолат мамлакатимизга ташриф буюраётган туристлар кўламининг ортishiга хизмат қилади.

Бунда, албатта, мамлакатимизнинг мусулмон ўлкалари учун нуфузли зиёратгоҳлардан бири ва юртимиз ислом динининг буюк алломалари етишиб чиққан замин эканлигини инобатга олсак, фикримиз замиридаги муддао янада яхшироқ намоён бўлади.

Шу билан бир қаторда, Мисрнинг нафақат қадимий обидалари, балки турфа хил ноёб музейлари билан ҳам хорижий сайёҳларни жалб эта олиши бу давлат билан туризмнинг музей-шунослик соҳаси бўйича исчи ҳамкорликни йўлга қўйиш манфаатли бўлишини тасдиқляпти.

Ҳозирги кунда биргина Қоҳирада 26 та, Искандарияда эса 12 та музей фаолият кўрсатаётми. Буларнинг ичида машҳурлари сифатида Қоҳира давлат музейи, катта Миср музейи, Копт музейи, ислом санъати музейи, Нубия музейи ва Искандария миллий музейини келтириш мумкин. Миср музейлари экспонатларга бойлиги ва меъморчилигининг ноёблиги билан дунёнинг бошқа музейларидан ажралиб туради. Мисол тариқасида айтсак, Қоҳирадаги ислом санъати музейи коллекциясининг ўзи Ўрта асрларга тааллуқли бўлган араб, турк ва форс халқларининг 100 мингдан ортиқ қўл хунармандчилиги санъати дурдоналарини ўз ичига олади.

Хулоса ўрнида айтганда, Миср мамлакатига Ўзбекистон учун араб дунёси ва мусулмон оламида, шунингдек, Африка қитъасида алоҳида кадр-қимматлари сақлаб қолаётган давлат сифатида қараш учун барча асосга эгамиз. Икки давлат ўзаро иқтисодий ва савдо муносабатларини жадаллаштириш, янги мазмун ҳамда шакл билан тўлдириш талаб этиладиган ривожланиш босқичига етиб келди. Ушбу жараёнда икки томонлама алоқаларга янги раҳ берилиши ўзаро манфаатли бўлишни оширади. Қолаверса, Ўзбекистон йирик транспорт тармоқлари имкониятларини ишга солиб, дунё уммони ва бозорларига интилаётган бир даврда, ушбу давлат Яқин Шарқ ва “қора қитъа” мамлакатлари билан самарали савдо-иқтисодий алоқаларини жонлантиришда кўприк вазифасини бажариши мумкин.

Азиз КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Стратегик ва
минтақалараро тадқиқотлар
институтини
етақчи илмий ходими.

Ургутда яна бир қўшма корхона иш бошлади

Яқинда “Ургут” эркин иқтисодий зонасида “Smart Hygiene Facilities” қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Мазкур корхонада болалар учун турли пайпоқлар, гигиена воситалари ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади.

Интилиш

— Айни пайтда Хитой ва Европа мамлакатларидан келтирилган янги технологиялар асосида корхонанинг биринчи босқичи ишга туширилди, — дейди цех бошлиғи Нуриддин Холмуродов. — Фаолиятимизнинг дастлабки кунлариданоқ Тожикистон, Афғонистон, Қирғизистон сингари қўшни давлатлар билан экспорт шартномалари имзолашга эришганимиз. Бу маҳсулотларимиз нафақат ички бозорда, балки чет давлатларда ҳам рақобатдош эканлигидан далолат беради.

Хозир бу ерда 40 нафар киши меҳнат қилмоқда. Тез орада иккинчи босқич фойдаланишга топширилгач, ишлаб чиқариш қуввати янада ортиб, жамоа аъзолари сони 100 нафарга етказилади.

— Корхонада технолог-назоратчи, яъни уста вазифасида фаолият юритаман, — дейди Илҳом Маҳматов. — Чет элдан мутахассислар келиб, янги технологиялар ўрнатиш баробарида, бизга иш ҳам ўргатишди. Замонавий ускуналарда сал носозлик кузатилса, дарҳол тузатамиз. Жараён тўхтаб қолмайди. Оиламизга, жамиятимизга нафимиз тегаётганидан мамнунмиз.

“Ургут” эркин иқтисодий зонасида яқин келажакда 60 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Бунинг учун 196,2 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиши кўзда тутилган. Пировардида худудда тўқимачилик маҳсулотлари, маиший хизмат техникалари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони кўпайиб, 4000 дан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



«Микрокредитбанк»

акциядорлик-тижорат банки жамоаси

юртдошларимизни
мамлакатимиз
Мустақиллигининг 27 йиллиги
билан чин юракдан
табриклайди!

«Микрокредитбанк»да 3 йил муддатга
микроқарз олиш имконияти яратилди.

«Микрокредитбанк» билан
мақсад сари дадил қадам!

Мурожаат учун телефон: (+99871) 202-99-99.

www.mikrocreditbank.uz

Хизматлар лицензияланган.



Изланиш

Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали шифокор олимлари — Нурлелес Утегенов, Ражаббой Худоёров, Гулзор Қалмуратова яратган “Болаларда дисбактериоз асорати туфайли ҳосил бўлган калькулёзли пиелонефритни даволаш усули” номли ихтирога патент берилди. Болалардаги ичак инфекцияси, сийдик йўлларида ҳосил бўлган тошларни бартараф этишга асосланган ушбу даволаш воситаси педиатрия ва урологияда кенг қўлланилмоқда.

Қумдан тайёрланадиган ғишт

ёхуд тараққиётга хизмат қилувчи ихтиролар

Муҳими, кейинги йилларда қорақалпоғистонлик ёш олимлар қўлга киритаётган бундай ютуқлар талайгина. Масалан, Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали талабаси А. Қадиров қорақалпоқча-русча-ўзбекча электрон лугат яратди. Ушбу филиалнинг яна бир ёш изланувчиси Рустам Серназаров мактабгача ёшдаги болалар учун “English language learners” номли дастурни тузди. Мазкур қўлланма инглиз тилидан бошланғич билим бериш ва кўникма ҳосил қилишда қўл келади.

Бугунги кунда юртимизнинг чўл ва яримчўл худудларида иморатларга хавф туғдирувчи ҳашарот — термитлар мавжудлиги сир эмас. Статистикага кўра, термитларнинг дунё бўйича келтираётган зарари 20 миллиард долларни ташкил қиларкан. Шунинг ўзиёқ муаммо анча жиддий эканлигидан далолат беради. Ушбу масалани ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети мутахассислари ҳам ўзига хос изланиш олиб боришмоқда. Яъни олимлар термитларга қарши захарли ем-хўрақларни ишлаб чиқиб, ихобий натижаларга эришяпти.

Хозирги кунда кўёш энергиясидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хусусан, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети олимларининг ушбу йўналишда олиб бораётган илмий тадқиқот ишлари диққатга сазовор. Масалан, улар яратган қурилма кўёш нуридан электр энергияси ишлаб чиқаради. Ёш олим Зоир Кенжаевнинг таъкидлашича, у айниқса, қишлоқ ҳужалигида жуда асқатади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Табиий фанлар илмий-тадқиқот институти илмий котиби, кимё фанлари номзоди Шарибай Торемуратов эса уй қурилишида зарур бўладиган ғиштнинг оддий қумдан ясаш усулини ўзлаштириб, патент олишга эришди. Археология бўлими олимлари Оролбўйи худудидан қадимий ва бебаҳо қалъаларни топиб, оммага таништириб келишмоқда. Турпроқалъа, Ақчахонқалъа каби обидалар атрофидан чиққан бундай нодир топилмалар тарихни ўрганишда муҳим манба бўлади.

Мамлакатимизда илм-фан ривожига қаратилаётган юксак эътибор туфайли бундай эзгу ишлар қўлами кенгайиб бораётир.

Пўлат ЎТЕНИЯЗОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Қорақалпоғистон бўлими
Гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти илмий ходими.



«Ипотека-банк» АТИБ

юртимиз фуқароларини,
банк мижозлари
ҳамда ҳамкорларини
Мустақилликнинг
27 йиллик байрами
билан муборакбод этади!

Ушбу шодиёна ўз Ватанини севувчи,
шонли тарихи ва кўп асрлик анъаналарини
улуғловчи, унинг ривожини йўлида
билими ва иқтидорини сафарбар қилувчи
инсонларни бирлаштиради.
Сизларга ва яқинларингизга
орзу-ниятларингиз рўёбга чиқишини
ҳамда сиҳат-саломатлик,
бахт ва фаровонлик тилайди.

Хизматлар лицензияланган.





ҳамюртларимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг 27 йиллик байрами билан самимий табриклайди!

Фурсатдан фойдаланиб, миллий валютада қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

«ИНСОН МАНФААТИ»
Омонат муддати — **13 ойдан 30 ойгача.**
Фоиз ставкаси — **йилига 16 фоиз.**

«ЯХШИ НИЯТ»
Омонат муддати — **3 ойдан 13 ойгача.**
Фоиз ставкаси — **йилига 14 фоиз.**

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

**«Қишлоқ қурилиш банк» —
фаровон ҳаётингиз хизматида!**

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-72-58, 150-93-39. www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.



Азиз ватандошлар!

«Ўзбекнефтьгаз» АЖ

халқимизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 27 йиллиги билан самимий қутлайди!

Бу йил ушбу муҳим санани «Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!» шиори остида қариш оляпмиз.

Шу кунларда Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида бунёдкорлик руҳи, ўзгаришлар эпкини ҳукмрон. Анъанага кўра, янги sanoat корхоналари очилмоқда, замонавий тураржойлар ва бошқа бинолар фойдаланишга топширилмоқда. Барча ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар асосида инсон манфаати устувор.

Юртимизда ҳамisha тинчлик-омонлик ва хотиржамлик ҳукм сурсин! Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва эзгу ишларингизда ривож тилаймиз!

Жонажон Ватанимиз бундан-да гуллаб-яшнасин!




27 йил

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Азиз ҳамюртлар!

«Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки жамоаси сизларни Ватанимиз Мустақиллиги кунин билан чин қалбдан муबारакбод этади!

Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, Ватан раvнақи ва фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизга ривож тилайди!

Байрам кайфияти ҳамisha ҳамроҳингиз бўлсин!

НАМКОРБАНК
БИРГАЛИҚДА ЮКСАЛИШ САРИ

0-800-1-200-200
www.hamkorbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

«FIDO-BIZNES»
КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

азиз ватандошларни, ҳамкорларни ва ҳамкасабаларни республикамиз Мустақиллигининг 27 йиллиги билан табриклайди!

Барчага мусаффо осмон, сиҳат-саломатлик, омад ва муvаффақият ёр бўлишини тилайди!

Мамлакатимизда барқарор тинчлик, бирдамлик, фаровонлик абадий бўлсин!



Лойиҳа ташкилотлари диққатига!

«Ўзтрансгаз» АЖнинг «ФАРФОНАГАЗ» филиали

Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Шўрсув шаҳарчасида жойлашган ГТС (газ тақсимлаш станцияси)нинг Каримдевова қишлоғига қўчирилиши муносабати билан ҳозирги кунда қурилиши режалаштирилаётган ГТС (газ тақсимлаш станцияси)дан чиқувчи газ қувурини Шўрсув шаҳарчасидаги мавжуд sanoat коллекторига торттиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ва экспертиза ҳулосаларини тайёрлаб бериш юзасидан танлов эълон қилади.

Мазкур хизматларни кўрсатиш билан шуғулланувчи, мулкчилик шаклидан қатъи назар, махсус лицензия ва гувоҳномага эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлардан тижорат таклифлари қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:
Фарғона шаҳри,
Бурхониддин Марғиноний кўчаси, 76-уй.
Телефон: (+99873) 229-04-36.

«Фарғонагаз» филиали маъмурияти.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
**232-11-15,
232-10-63.**
E-mail: reklama@xs.uz

**Халқ сўзи
Народное слово**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 901 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қогоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган кўлазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзасиб берилиши учун обуқани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.
Навбатчи — Б. Гофуров.
Мусаххих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.43 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси